ГАЗЕТАГА МАКТУБ

# ДИЛ МУДДАОСИ

Бугун қанчалик яхши ишланса, сифатли маҳсулот етиштирилса, моддий манфаатдорлик шунчалик юқори бўлишини деҳқонларимиз яхши тушуниб олишди.

Оила пудрати биз учун янгилик эмас. Аввалги йилларда ҳам бу йўлни қўллаган эдик. Аммо натижаларимиз кўнгилдагидек бўлмаганди. Сабаби, пахта етиштириш жараёнидаги узлуксизликни таъминлай олмадик. Масалан, бир оила бир гектар, иккинчиси икки гектар ерда ҳосил яратарди. Парвариш даврида шартномада белгиланган миқдорда ҳақ тўладик. Пахта йиғим-теримини эса умумлаштириб юбордик. Оқибатда одамлардаги қизиқиш сусайиб қолди.

Бу йил коллективимиз билан маслаҳатлашиб, 102 гектар майдонни 8 та звенога бўлиб бердик. Ҳар бир звено бошлиғига бир гектар учун 20 сўмдан ҳақ белгиланди. Демак 8 гектар ер учун 160 сўм иш ҳақи оладиган бўлди. Ҳар бир звенода 4—6 тадан пудратчи бор. Улар қуйидаги тартибда ишлашади: ҳосилни ўзлари териб топширишади ва бунинг учун гектарига 80 сўмдан иш ҳақи олишади. Пудратчи белгиланган 30 центнер ўрнига 40 центнер пахта топширса 10 центнери учун килограммига 40 тийиндан жами 400 сўм ҳақ олади.

Мисолларга мурожаат этайлик: бригада аъзолари Сорахон Буваматова билан Саврихон Ўсаровалар бир гектардан ер олишган. Агар улар пландаги 30 центнердан ҳосилни етиштириб, йиғиб-териб топширса, 634 сўмдан даромад қилишади. Агар 40 центнерга етказишса даромадлари 1.034 сўмдан ошади. Гуласалхон Жўраева эса икки гектар ер олган. Агар у планни бажарса 1.268 сўм, ҳосилдорликни 40 центнерга етказса 2.068 сўм даромад қилади.

Лекин 30 ёки 40 центнердан ҳосил яратиш айтишга осон. Унинг ёз бўйи кечадиган заҳмат-машаққатлари тоғдай: югуриб-елиш, табиат инжиқликларига бардош бериш, қуёшда қоврилиб, бўронда довдираб эгат оралаш.

Шу кунгача жами майдонларда икки марта кетмон чопиғи ўтказдик, 4 марта культивация қилинди. Иккинчи озиқлантиришни тугалладик. Ғўзаларимиз бир текис шоналаб, ҳозир гуллай бошлади. Июль ойида ҳар туп ғўзада 13—14 тадан бўлиқ кўсак бўлишини таъминлаш учун курашаяпмиз. Уч йилдирки, пахтанинг тезпишар «Қирғиз-3» навини экаяпмиз. Бизда август ойида терим бошланади.

Пахта етиштиришнинг машаққатли эканлигини шунчаки таъкидлаётганим йўқ. Бизнинг колхозимизда ҳар гектар ерга район хўжаликларининг барчасига нисбатан кўп, яъни 80 сўм ҳақ белгиланган. Бунинг учун баъзи кесатиқларниям эшитаяпмиз. Юқоридаги раҳбар ўртоқларга бу рақам кўп, меҳнат қилаётган деҳқонларга эса оз кўринаяпти.

Нега?

Мен коллектив етакчиси, оддий коммунист сифатида шуни айтмоқчиманки, белгиланган ҳақ дарҳақиқат оз. Бир гектар майдонни тасаввур қилиб кўринг. Лоақал бир марта кетмон чопиғи қилиб кўрсангизгина унинг нечоғлик катта меҳнат эканлигини бутун вужудингиз билан ҳис этасиз.

Қиёслаб кўрайлик: Андижон районидаги Охунбобоев номли сабзавотчилик совхозининг У. Қурбонов бошчилик қилаётган бригадасида бир гектар ердан 10 минг сўмга етказиб даромад олинаяпти. Пахтачиликда эса 2.000—2.200 сўмдан ошмайди. Пахта етиштираётган деҳқоннинг сабзавоткордан нима фарқи бор? Пахтакор кам ишлаяптими, планни бажармаяптими? У ҳам сабзавот экиб мўмай даромад олгиси келади-ку!

Айни кунларда Қўчқорбой Мамасолиев, Ҳасанбой Асранов, Қосимжон Деҳқонов каби миришкорларимиз астойдил тер тўкишмоқда. Камида 40—45 йилдан бери далада пахтачиликнинг иссиқ-совуғига чидаб келишаяпти. Яна бир-икки йилдан кейин 50—60 сўм билан пенсияга чиқишади. Сабзавотда ишлаганларники эса 100—120 сўмга боради.

Ҳозир қайта қуриш замони. Ҳамма соҳада тартиб ўрнатилмоқда, адолат тантана қилмоқда. Ўйлайманки, эл-юртни кийинтирувчи пахтакор меҳнати ҳам ҳақ тарозига солинар. Пахтанинг нархини ошириш масаласи ҳал этилса, пахтакорнинг оғир меҳнатига одилона баҳо берилса! Шунинг билан бирга пахта сортлари бўйича давлат стандарти талаблари қайта кўриб чиқилса оқ олтин ижодкорларининг дил муддаоси рўёбга чиқур эди.

**О. ИСОМИДДИНОВ,**
**Хўжаобод районидаги «Россия» колхозининг бригада бошлиғи.**



# «КЕЛАЖАККА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН БОРАМИЗ»

Қишлоқда шундай ажойиб анъана бор: оилада ўғил туғилса отаси унга атаб ўн уч туп терак ўтқазади. Гўдак улғайган сари дарахтлар ҳам кўкка бўй чўзаверади.

Ҳабибулла Нишонов эса жуда кўп болалар учун боғлар яратган.

...Унинг боғдорчиликка ўтгани аввалига кўпчиликни ажаблантирди. Чунки ёшлигидан далаларга меҳр қўйган, меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан ҳамқишлоқлари ҳурматини қозонган, тажрибали пахтакор сифатида нафақат хўжаликда, районда ҳам танилганди. Коммунистлар уни ўз сафларига қабул қилишди, деҳқонлар бригадирликка сайлашди. У бошлиқ коллектив адирликни унумдор экинзорга айлантирди. Мўл оқ олтин етиштириб тинчгина ишлаб юрса бўларди. Лекин Ҳабибулла бундай қилмади, истиқболни ўйлади...

Косонсой районидаги «Бухоро» совхозига қарашли қаровсиз ерларда серҳосил боғлар барпо этилиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Ҳ. Нишонов бошлиқ бригада тоғ ён бағридан минг гектар ерни ўзлаштирди. Турли мевали дарахт кўчатлари ўтқазди. Коллектив 1985 йил майида хўжаликда Ғалаба боғини яратишга айниқса катта ҳисса қўшди. Боғлар ҳосилга кирган.

Бироқ Ҳабибулла яна тинч туролмаяпти.

— Келгуси йилда даштдан ер очиб, янги боғ қилмоқчиман, — деди у. — Бу ерда шогирдларим ишлашади.

Ҳабибулла кўплаб ёшларга устозлик қилди. Уларнинг бир нечтаси бригадаларни бошқараяпти. Тажрибали боғбон ҳозир ҳам талай йигит-қизларга касб сирларини қунт билан ўргатмоқда.

Унинг ташаббусларини қўллаб-қувватламаганлар ҳам бўлди. Жумладан совхоз боғларини парваришлашда молдавиялик ҳамкасбларининг илғор усулини қўлланишни таклиф этганида айримлар республика шароитида яхши натижа беришига ишонишмади.

Аммо Ҳ. Нишонов қардошлар тажрибаси Наманган тупроғида ҳам ажойиб самара беришини барчага намоён этди.

— Ҳабибулла моҳир ташкилотчи, ташаббускор коммунист, — дейди совхоз партия комитетининг секретари Б. Обилов. — Қийинчиликдан, оғир меҳнатдан сира чўчимайди, ёшларни ўз ортидан эргаштира олади. У бошлиқ бригада белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни мунтазам ошириб бажармоқда.

Район партия комитетининг аъзоси Ҳабибулла Нишонов Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида делегат сифатида иштирок этади.

— Қайта қуриш ҳақида кўп гапираяпмиз, — дея ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади. Ҳ. Нишонов. — Лекин у ҳали ҳамма жойда тўлиқ қарор топгани йўқ. Баъзилар яна ниманидир, қандайдир ўзгаришни кутишаяпти. Улар келажакка фақат қайта қуриш йўлидан боришимизни тушунишмаётир. Айни пайтда ҳеч нарсани кутмай, виждонан, ғайрат кўрсатиб ишлаш керак. Олға томон дадил ҳаракат қилишимизга ана шундай «кутиш»лар тўғаноқ бўлмоқда. Коммунистлар анжуманида ютуқлар билан бирга ишдаги муаммолар, хато ва камчиликлар тўғрисида батафсил гапирилади.

Беором қалб эгаси Ҳабибулла Нишонов партия конференцияси делегатлари қаторида КПСС Марказий Комитетининг Тезисларидаги масалаларни муҳокама қилишда фаол қатнашади.

**Э. ИСМОИЛОВ.**

**СУРАТДА: Косонсой районидаги «Бухоро» совхозининг боғдорчилик бригадаси бошлиғи, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Ҳ. Нишонов (чапдан), совхоз директори Р. Охунова ва совхоз партия комитетининг секретари Б. Обилов ўзаро суҳбатлашмоқдалар.**

А. КОВТУН фотоси. (ЎзТАГ).

# ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ УЛУҒЛАНСИН

**ДЕЙДИ БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТИ, ЎЗБЕКИСТОН РАЙОНИДАГИ «ҚЎҚОН» СОВХОЗИ ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАСИ БОШЛИҒИ ЭРГАШАЛИ ХУДОЙБЕРДИЕВ**

...Баҳор ҳавоси эмасми, қуёш гоҳ чарақлаб, гоҳ булутлар панасига яшириниб, кечга яқин шамол турди. Қўқон шамоли бирпасда ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чиқариб ташлайди.

Эргашли ака тун бўйи мижжа қоқмади. Тонг ғира-шираcида далага йўл олди. Эсизгина шунча меҳнат. Бригаданинг 85 гектар пахта майдонидан 40 гектаридаги ғўзалар қаттиқ зарарланган эди.

Бригада аъзолари шу куниёқ якдил қарорга келишди. Бутун куч, имкониятни ишга солиб 40 гектар ерга қайтадан чигит қадалди. Ҳозир бу ерларга келсангиз баравж ғўзаларни кўрасиз.

Эргашали аканинг суяги меҳнатда қотган. Эсини танибдики, эгат оралайди, ғўза билан тиллашади. Она заминга, деҳқончиликка бўлган бекиёс меҳр унга обрў-эътибор келтирди. Совхоздагина эмас, районда ҳам миришкор деҳқонлар ҳақида гап кетса, унинг номи ҳам албатта тилга олинади. Дарҳақиқат у совхоз ташкил этилгандан бери пахта етиштиради. 28 йилдирки, бригадир. У қайси бригадага ўтса, ўша ерда ҳосилдорлик ошади. 6-бригадада ҳам ҳосилдорлик 25 центнердан 42,5 центнерга кўтарилди. Деҳқончилик учун ғоят оғир келган ўтган йилги шароит ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Лўппи-лўппи очилиб турган пахта қалин қор остида қолди. Ана шундай шароитда ҳам миришкорлар 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни 115 фойизга бажаришди.

— Бу йил 113 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз, — деди делегат. — Шундан 85 гектар ерга пахта, 28 гектарига беда, 10 гектар майдонга бошоқли дон экинлари экилган. Ўтган йили ерларимизнинг бир қисми шартнома асосида 3 та оилага бўлиб берилган эди. Қумрихон Мамажонова, Усмонжон Қурбонов, Мўътабар Аҳмедоваларнинг оилалари ўзларига бириктирилган ернинг ҳар гектаридан 37—40 центнердан ҳосил олдилар. Ҳар бир оила асосий иш ҳақининг ҳар сўмига 1 сўм 86 тийиндан 2 сўмгача қўшимча мукофот пули олди. Бу йил бошида совхоз маъмурияти билан тузилган шартномага мувофиқ 17 та оилага ер бўлиб берилди. Дилбарой Азимова, Анорхон Пайғамова, Шаҳрихон Шерматоваларнинг оилавий звенолари ғўза парваришида барчага намуна бўлишаяпти. Мақсадимиз гектаридан 35 центнердан юқори сифатли ҳосил олиш.

У ўзи ҳақида эмас, бригадаси, ери, деҳқон ташвишлари ҳақида гапиришни хуш кўради. Пахтадан муттасил мўл ҳосил олишдаги, деҳқончилик маданиятини юксалтиришдаги хизматлари эвазига Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда Ҳурмат белгиси орденлари билан тақдирланганини бошқалардан эшитдик.

— Инсоннинг ёши улғайгани сари босиб ўтган йўлига бот-бот назар ташларкан, бажарган ва бажаролмай қолган ишларини сарҳисоб қиларкан, — деди у суҳбат асносида. — Халққа хизмат қилаётганингни, эл-юртга нафинг тегаётганини, тинчлик учун ишлаётганингни ўйласанг ғурурланиб кетаркансан. Лекин кўнглимни бир нарса хира қилиб туради...

Эргашали ака дилига тугиб юрган гапларини дард билан сўзлаб берди.

— Турғунлик йиллари «Пахта ҳосилдорлигини оширайлик» шиорини ниқоб қилиб азим дарахтлар, иҳотазорлар асоссиз равишда қўпориб ташланди. Ҳолбуки ҳосилдорликни табиатга зарар етказмай ҳам ошириш мумкин эди. Далаларимиз яланг, шип-шийдам бўлиб қолди. Бу билан шамолга, унинг пахтага келтирадиган зарарига йўл очиб бердик. Нажотсиз ғўзалар шамолдан ҳамон нобуд бўлмоқда. Сарф-харажат кўпайиб, пахта таннархи ошиб кетаяпти. Аёллар меҳнати ҳақида ўйласам, юрагим ачишади. Бир ўйлаб кўринг: чопиқчи аёл бир норма иш бажариш учун ерга 19 минг 300 марта кетмон ураркан. Ҳар урган кетмонини тупроғи билан 1 килограмм ҳисобласак, у қанча юк кўтарган бўлади? Белгиланганига нисбатан уч ҳисса!

Бригадир яна анча мулоҳазалар билдирди. Деҳқонча — лўнда, аниқ фикрлар. Делегатнинг мақсади: ана шу ўйларини амалга ошириш, деҳқон меҳнатини улуғлаш, машаққатини озайтириш...

**А. БОБОЖОНОВ.**

# Пудрат шарофати

«Москва» совхозидан Р. Жонкоев бошлиқ агроучастка коллективи ғўзанинг учинчи парваришини технологик графикда қатъий белгиланган муддатларда ўтказди. 465 гектар ернинг ҳаммасида экин яхши парваришланган ва барқ уриб ривожланмоқда.

— Бугунги кунда деҳқонларнинг вазифаларини эслатишга ҳожат йўқ, — дейди совхоз директори Б. Ўролов. — Ишлар эса анча яхши кетмоқда. Бу коллектив пудратининг шарофатидир. Эндиликда одамлар ўзларига-ўзлари ҳисоб берадилар. Пировард натижа юқори бўлишидан улар ғоят манфаатдордирлар.

Бошқарув ишларидаги ўзгаришларнинг самараси ҳам бўлди. Хўжаликда бўлимлар тугатилиб, цех структурасига ўтилди. Бу нарса аппаратнинг юздан кўп ходимларини бўшатиб, уларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига ўтказганлигидан ташқари бошқаришни анча соддалаштирди. 45 та ўрнига йириклаштирилган 20 та деҳқончилик бригадаси тузилди.

Ўша Р. Жонкоев участкасида ғўзадан ташқари донли ва озуқа экинлари ҳам парвариш қилинмоқда. Ҳамма экинлардан мўл ҳосил олиш кутилмоқда.

**Сирдарё области.**



**Сигирсоғарлар ишини икки сменада ташкил этиш чорвадорларнинг мушкулини енгиллаштиради. Тошлоқ районидаги М. Горький номли колхозда ана шу йўлдан дадил борилмоқда. Комсомол аъзоси Зулфия Абдуллаева ҳар бош сигирдан 3 минг килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга бел боғлаган. У айни кунларда мусобақанинг пешқадами.**

А. ҚОСИМОВ фотоси.

# ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхознинг Тош Имомов бошлиқ бригадасида мўл ҳосил учун кураш авжида. Деҳқонлар 65 гектар майдондаги ғўзаларни намунали парваришлаяптилар. Бунда механизатор Сайфулла Нарзуллаевнинг хизмати айниқса катта.

**Я. РАСУЛОВ.**

* * *

Сурхондарё областидаги Ленин орденли «Хазарбоғ» совхозининг Имон Бакиров бошлиқ бригадаси азаматлари ўтган йили ҳар гектардан 43,4 центнердан ҳосил кўтарган эдилар. Заршунослар жорий йилда бу кўрсаткични 45 центнерга етказмоқчилар.

**Т. ШАРИПОВ.**

* * *

Задарё районидаги Ильич номли совхознинг Ҳабиба Абдуллаева бошлиқ бригадасида бу йил ҳосилдорлик бултургидан 10 центнер оширилади. Бунинг учун коллектив пухта замин тайёрлади: тупроқ унумдорлигини оширилди, барча агротехника тадбирлари ўз вақтида сифатли ўтказилаётир.

**Э. ҚАЮМОВ.**

* * *

Товолди Ёқубалиев ва Маъруф Мирзараҳимовлар Хўжаобод районидаги Калинин номли совхоз механизаторлари меҳнат беллашувида пешқадамдирлар. Улар кунлик нормани 1,5—2 ҳисса бажаришаяпти.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВА.**

* * *

Арнасой районидаги Василевский номли совхозда оилавий звенолар ғўза парваришида намуна бўлишаяпти. Қ. Қорабеков бошлиқ звено пахтакорлари 46 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан чўл дурдонаси етиштириш иштиёқида меҳнат қилишаётир.

**Ҳ. ҲАМРОЕВ.**

# УМИД УЧҚУНИДАН АЛАНГА

## *Конференцияга тайёргарлик—матбуот кўзгусида*

Олдимда бир даста газеталар турибди, улар республиканинг ҳамма областларидан Тошкентга олиб келинган. Уларнинг биринчи саҳифалари бир-бирига ўхшайди, лекин бундай ўхшашликдан хурсанд бўлиш керак — газета саҳифаларида ҳозир ҳаммани ва ҳар бир кишини ҳаяжонга солаётган масалалар хусусида рўй-рост, жиддий ва пухта ўйлаб гаплашиб олинмоқда ва шу сабабли «Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан» рубрикаси остида асосан меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш чоғида киритаётган таклифлар, билдираётган мулоҳазалар ёритилмоқда.

Ҳозир газеталар одамларнинг хилма-хил фикрларини газетхонларга етказмоқда. Бу фикрларни бир жойга тўплаш ва саралашда ҳеч қандай электрон ҳисоблаш машинаси ҳам ёрдам беролмаса керак. Кўп йиллар ичида биринчи марта Тезислар муҳокамаси чинакам умумхалқ баҳси тусини олди. Партия йиғилишларида ўн минглаб ва юз минглаб таклифлар киритилди. Коммунистлар ва бутун совет халқи конференцияга катта умид боғламоқда. Ҳозирги кунни ҳам, ўтмишни ҳам янада чуқурроқ англаб етиш, олинган сабоқлар ва реал билимлар асосида келажакни бунёд этиш керак.

Коммунистлар ва партиясизлар билдирган кўпгина фикрларда ана шу келажак қандай бўлишидан хавотирланиш сезилиб туради. Шу муносабат билан менимча, республика газетхонларини Қорақалпоғистон область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг аъзоси, Қизкеткан посёлка Советининг депутати, «Целинник» кооперативининг раиси А. П. Нелюбов фикри билан таништириш зарур. У Тезисларни муҳокама қилишга етарли вақт ажратилган эмас, деб ҳисобламоқда. Коммунист олдинги вақтда ана шундай қисқа муддат муҳокама қилиш натижасида йўл қўйилган нуқсонлар қабул қилинган сиёсий қарорларнинг чалакам-чатти бўлишига ва пухта ишлаб чиқилмаслигига олиб келганини эслатади.

А. П. Нелюбов конференцияга делегатлар сайлаш чоғида йўл қўйилган расмиятчиликни қайта қуриш талабларидан чекиниш намунаси, деб атайди. Делегатларнинг номзодлари матбуотда, область партия комитети пленумида муҳокама қилинмади. Улар қайта қуриш учун ўзлари конкрет нима иш қилганликлари ҳақида одамларга сўзлаб бермадилар.

Зарафшон қурилиш бошқармаси автобазасининг ҳайдовчиси С. Сбитнев ҳам бу фикрга қўшилади. У «Зарафшанский рабочий» газетаси саҳифасида қуйидагиларни ёзади: «КПСС съезди ва умумиттифоқ партия конференцияларига делегатлар номзодларини кўрсатишни съезд ёки конференция очилишидан камида уч ой олдин барча партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида тўла демократия ва ошкоралик принциплари асосида ўтказиш керак. Партия комитетларининг пленумларида делегатлар номзодларнинг кенг доираси орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши лозим».

Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, партия ташкилотлари бундай сайлов ўтказишда муайян тажриба тўпладилар. Ҳозир айрим партия ташкилотларида бир неча номзодларни кенг муҳокама қилиб, секретарларни сайлаш практикаси қўлланилаётганлигини Андижон машинасозлик заводи партия комитетининг секретари А. С. Охунжонов ҳам тўғри деб ҳисоблайди. Партия органларини сайлаш, деб ёзади у «Андижанская правда» газетасида, мусобақалашув ошкоралик, демократия принциплари асосида ўтиши муқаррар тусга айланиши лозим.

Бунинг устига ҳар бир номзод жамоатчиликка ўз программасини тақдим этиши керак—Фориш районидаги «Қизилқум» совхози бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Айдарқуловнинг фикри ана шундай. Унга «Джизакская правда» газетаси ўз саҳифасидан жой ажратган. «Сайлаб қўйиладиган партия органининг ҳар бир аъзоси ўз ишининг ана шундай программасига эга бўлиши керак, — деб ёзади автор. — Бу программани муҳокама қилиш коммунистлар сайлайдиган партия ходимининг ишчанлик фазилатларини реал тасаввур қилишга кўмаклашади».

Сирдарё область насос станциялари бошқармаси гаражининг мудири А. Овод Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида партия раҳбарининг роли тобора ортиб боришига эътиборни жалб этиш керак, деб ҳисоблайди. Партия раҳбарлари қайта-қайта текширилган, фақат ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб қолмай, шу билан бирга юз-хотир қилмай ва мансабига қарамай, принципиаллик билан адолатни ҳимоя қилишга тайёр турган, коммунистлар ўртага қўяётган барча масалаларни ҳал этишда изчиллик кўрсатадиган кишилардан иборат бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитети Тезисларида партия органларини тузишни ўзгартириш тўғрисидаги таклиф матбуотда кенг мунозарага сабаб бўлди. Барча партия комитетларига сайлов чоғида мавжуд мандатларга нисбатан кўпроқ номзодларни кўрсатиш тўғрисидаги таклифни кўпчилик қўллаб-қувватламоқда.

Марказий Комитет Тезисларининг КПССдаги сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашни икки муддат билан чеклаб қўйиш масаласи қўйилган қисми коммунистлар орасида кенг мунозарага сабаб бўлди.

Олдин бўлгани каби мазкур қоидани КПСС Уставида мустаҳкамлаб қўйиш зарур деб ҳисоблайман, — деб ёзади Пахтаобод район халқ контроли комитетининг инспектори У. Иброҳимов «Андижанская правда» газетасида. — Ҳатто коммунистлар ташаббуси билан, овозга қўйиш ҳақида олдин қабул қилинган қарорларни ҳисобга олганда ҳам сурункасига учинчи муддатга сайламаслик керак. Сиёсий арбобларнинг қўпол хатолари учун улар ҳаётлигида халқ танқид қилишига имконият яратиб бериш лозим. Ўлимидан кейин танқид қилишга ҳожат йўқ. Бунда ҳар ким дадил бўлиб кетади, ҳозир кўпинча шундай бўлаяпти. Ангор районидаги 3-мактаб ўқитувчиси О. Норсоатов («Илғор» район газетаси), иқтисод фанлари кандидати, Наманган педагогика институтининг ўқитувчиси М. Бўстонов («Наманганская правда»), матбуот саҳифаларида ўз фикрларини билдираётган бошқа кўпгина ўртоқлар У. Иброҳимовнинг фикрига қўшилмоқдалар.

Келгусида жамиятга партия раҳбарлиги ленинча принциплари бузилиши имкониятини истисно қиладиган сиёсий механизмлар ва гарантияларни яратиш — сира кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон область партия комитети сиёсий маориф уйи мудири В. В. Луценконинг таклифи диққатга сазовордир. Демократик централизм, деб ёзади у «Советская Каракалпакия» газетасида, бу фақат кўпчиликнинг ҳуқуқи бўлиб қолмай, шу билан бирга камчилик ҳуқуқларининг гарантияси ҳамдир. Биз ҳақиқат олдин айрим кишиларгагина намоён бўлишига, сўнгра омманинг қалбига етиб бориб, моддий кучга айланишига кўникишимиз керак. Марксизм ҳам шундай қарор топган, НЭП ҳам, Брест сулҳи тузилиши ҳам худди шундай бўлган. Шу боисдан камчиликнинг кўпчилик фикрига қўшилмаслиги (агар камчиликни ташкил қилган кишилар жиноий жиҳатдан жазоланадиган ғояларни тарғиб қилмасалар) барча юридик ва ташкилий гарантиялар билан ҳимоя қилиниши лозим. Бошқача фикр юритганлиги учун маъмурий таъқиб этишга йўл қўйиб бўлмайди. Агар бошқача фикр юритувчиларга қарши муҳим далиллар бўлса, бу далилларни муҳокамага, масалан партия ўқуви системаси машғулотларида муҳокамага қўйиш керак.

Ҳозир газеталарни ўқир экансан, мунозаранинг барча қатнашчилари ўз позицияларини баён қилиб беришга, қайта қуришда ўзларининг шахсан қандай иштирок этаётганликларини аниқлаб олишга интилмоқдалар, деган хулосага келасан, киши. Турғунлик даврида кўп йиллар давомида одамлар ўз фикрини билдира олмаганлиги равшан бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам «Демократия ва социализм кўпроқ бўлсин» деган ҳозирги шиор шу қадар баланд руҳ билан кутиб олинди, Тезислар муҳокамаси шу қадар фаол бормоқда.

Ҳозир ҳар бир коммунист конференцияда иштирок этиши керак, у Бутуниттифоқ конференцияси, деб бежиз айтилмаган. Матбуотда ёки партия йиғилишида айтган гапларинг — сенинг конференция минбарида айтган гапларингдир. Ҳозирги давр моҳиятини биз ана шундай тушунмоқдамиз.

**С. ФЕНЮТИН,**
**ЎзТАГ шарҳловчиси.**

# ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

**ЛИПЕЦК.** Атроф муҳитининг тозалиги тўғрисида қайғуриш , — Новолипецк металлургия комбинати барча бўлимлари фаолиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Бу ерда машина-ускуналар катта ремонтдан чиқарилибгина қолмай, агломерация машинаси газ тозалаб берувчи қурилмалар билан, айланма сув таъминоти системалари билан жиҳозланди. Металлурглар табиатни муҳофаза қилишни анча яхшилаш учун жамоатчилик асосидаги илмий-техника комитетини туздилар. Бу комитетга экологик хавфсизлик қоидаларини қўпол равишда бузувчи цех ва агрегатлар ишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилди.

**БЕЛГОРОД.** Шу область марказида кооперативлар маҳсулотини сотиш учун ҳамма шароитлар яратилди. Бу ерда ихтисослаштирилган «Патент» магазини очилди. Бундан ташқари Белгороднинг ҳамма комиссион магазинлари, универмаглари, савдо уйида маҳсулотни сотиш мумкин. Кооператорлар аҳолига зарур молларни ишлаб чиқаришга кўп вақт ажратиш имкониятини олдилар.

**ХАБАРОВСК.** Муз авиаразведкасининг маълумотлари Благовешченск, Хабаровск ва Шимолий Сахалин портлари ўртасида навигация бошланишига сигнал бўлди. Амур пароходчилигининг озиқ-овқат, бинокорлик материаллари, машина-ускуналар ортган тўртта теплоходи одатдагидан ўн кун аввал йўлга чиқди. «Дейвис» музёрари ҳали сақланиб турган музлик майдонлар орқали кемаларни ўтказиб қўймоқда. Навигация мобайнида Амур дарёчилари 200 минг тоннадан кўп юкни Сахалин шимолига келтириб берадилар.

**САЛДУС (Латвия ССР).** «Гайки» колхозининг меҳнаткашлари йўл қуриш учун ишлатиладиган материалларни том маънода оёқ остидан топдилар. Бу ердан очилган хўжаликлараро корхона атроф далалардаги тош харсангларни шағалга айлантириб бермоқда. Жойларда ҳар хил бинокорлик материалларини тайёрлаб турган ва катта кетилган йиллардa тўхтаб қолган чорроқ заводлар, цехлар ҳозир яна тикланмоқда. Ўзига бақуват колхозлар ва совхозлар, кооперативлар уларни ўз паноҳига олмоқда. Шу йилиёқ Салдус районининг яна тўртта хўжалигида ғишт, кошин, мой бўёқ тайёрлаб чиқара бошлаш мўлжалланади, Республиканинг бошқа районларида ҳам ўз қурилишларини бинокорлик материаллари билан таъминлаш программалари ишлаб чиқилди.

**ТОШОВУЗ.** Туркманистон шимолий воҳасининг кооператорлари «Туркменкоопвнешторг» воситачилигида Япониянинг савдо фирмалари билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйдилар. Бу ердан Японияга 20 тонна биринчи сорт пилла юборилди. Область кооператорлари бунинг эвазига радио аппаратлар, саноат маҳсулотларини оладилар. Бу моллар дўконлар орқали пиллачиларга сотилади.

**КИШИНЕВ.** Кишиневдаги «Плодсельхозмаш» бирлашмасида кўплаб ишлаб чиқарила бошлаган янги комбайнлар карам узиш муддатларини мумкин қадар камайтиришга имкон беради. Аввалгисидан икки баравар серунум бу машиналар Ноқоратупроқ зона деҳқонларига юборила бошлади. Ҳар бир комбайн бир сменада салкам 150 тонна карам узиб, 80 кишининг қўлини бўшатади.

**ОРЖОНИКИДЗЕ.** Шимолий Осетия давлат агропромининг буюртмасига биноан Горск қишлоқ хўжалик институти мутахассислари ясаган ўзиюрар янги универсал шасси — «Горец» тоғларда деҳқончилик маданиятини оширишда ёрдам беради. Агрегат тик ёнбағирликларда турли иш қуроллари билан деҳқончилик қилишда қўл келади. Ундан турли қишлоқ хўжалик юкларини ташишда фойдаланиш мумкин. Ўзиюрар «Горец» шассиси кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.

**БОКУ.** Уйдан чиқмай туриб, Бокудан мамлакатнинг исталган жойига посилка жўнатиш мумкин. Шаҳар почтамти ҳузурида очилган «Рабитэчи» («Алоқачи») кооперативи ана шундай хизмат қилади. Унинг автомобили ҳар куни шаҳар кўчаларини айланиб юради. Кооператив уй соҳибалари билан шартномалар тузган. Улар посилкага ғилофлар тикиб беришади.

(ТАСС).

